



«Хаттобий томонидан қўлланилган партизанлар уруши тактикаси Мао Цзэдун, Хо Ши Мин ва Че Геварадай буюк шахслар учун илхомланиш манбаси сифатида хизмат килди». Кубанинг собик рахбари Фидель Кастро «Менинг хаётим» асаридан

1947 йил май ойи охирида Австралияга карашли «Катумба» пароходи ёкилги захирасини тўлатиб олиш учун Яманнинг Аден бандаргохига келиб тўхтади. Лангар ташлаган кемадан бир неча киши сохилга тушди. Уларни Аденга кўшни бўлмиш Шайх Усмон шаҳарчасининг зодагонларидан бири жаноб Абдо Хусайн Адхал карши олди. Сухбат давомида кемадан тушганларнинг кимлиги, оталарининг исмини билган Адхал чунонам хайратландики, эшитганига бовар килмай, йўловчиларнинг гапи чин эканлигига ишонч хосил килиш учун кемага ўзи чикди. Пароходнинг асосий йўловчисини ўз кўзи билан кўргачгина, каршисида Ислом оламининг хакикий кахрамони, Марокашни йигирма йилча мукаддам тарк этган шахс турганига амин бўлди. Кема очик денгизга чиккач, Яман порти Адендан Кохирага телеграмма юборилди:

«Амир Мухаммад ибн Абдулкарим Хаттобии «Катумба» пароходида Адендан олиб кетилди». Имзо: Адхал

1947 йил 27 май куни ярим кечадан ўтган маҳалда Фаластин жангчиларидан бири Кохирага ошиғич равишда етиб келиб, Миср кироли Форук номига битилган куйидаги номани топшириш учун тўғри саройга йўл олди.

«Хазрати олийлари, ҳозиргина Адендан телеграмма олдим. Унда айтилишича, Марокашнинг Риф вилояти амири, йигирма йил давомида Франция асирлигида бўлиб, Реюньон оролидаги камоххонада сақланган Мухаммад ибн Абдулкарим Хаттобий «Катумба» пароходида янги сургун жойига - Франция жанубига жўнатилибди. Ушбу кема эртага, сешанба куни Сувайш каналига, Порт-Саид шаҳри портига киради. Асирнинг кемадан сохилга тушиб нажот тониши Сиз Хазрати олийларининг хайрихоҳона берадиган ижозатингизга боғлиқдир. Зеро, Франциянинг унга нисбатан ҳеч қандай ҳақи йўқ, ўғрининг ўғирланганга нисбатан ҳақидан ташқари, албатта...»

Имзо: Мисрдаги Фаластин қўмитаси раиси
Мухаммад Али Тохир

Кема Порт-Саидга кириб келгач, Миср офицерлари кирол Форук ҳузурига эғнига одмигина оқ қўйлақ кийган оксоколни етказиб келишди. Вазмин қадам ташлаётган бўлишига қарамай, катъий одимлаётган ушбу қариянинг киёфасида улугворлик барқ уриб, салобатини ҳис этмасликнинг иложи бўлмади. Кабулига келтирилган оксоколни қарши олар экан Миср кироли Форук: «Хуш келибсиз, амир Мухаммад ибн Абдулкарим Хаттобий» - сўзлари ила қутлади.

Киска муддатга ортга, мозийга қайтамиз. Хаёлан Кохирадан қарбга, Ислом Мағрибининг Риф вилоятидаги Аждир шаҳарчасига, милодий 1883 йилга мос келадиган хижрий 1301 йилга ўтамиз. Ўша ердаги Барбар қабилаларидан бирининг Абдулкарим Хаттобий исми шайхи ўғил қўриб, унга Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмини беради. Ушбу шайх ёш ўғлига болалигиданок тўғри тарбия беришга бел боғлайди. Фарзандига араб тилини ўргатиб, Қуръони қаримни ёд олдиради, улғайгач эса ҳадис илми ва Ислом фикҳидан (Фикҳ - Исломий ҳуқуқ.) сабоқ олиши учун Фас шаҳридаги «ал-Қарауин» университетига ўқишга юборди. Бир неча йил ўтгач Мухаммад ибн Абдулкарим Хаттобий Мелил шаҳрининг олий қозиси лавозимини эгаллайди. Уша даврда Ислом Мағрибда ниҳоятда аянчли вазият қарор топган. Янглиш равишда мустанлақачи ўлкалар дея аталадиган босқинчи давлатлар Мағриб ўлкалари «миллий қаҳрамонлар тарбия топадиган ҳақиқий фабрика» эканлигини аниқ англашган. Шунга қарамай, ушбу давлатлар 1906 йили Испаниянинг Альхесирас шаҳрида конференция уюштириб, муштарак мақсад - Мағрибни босиб олиб, ҳудуди ва бойлиқларини ўзаро бўлишиб олишни ният қилишган. Бундай йигинда 12 та Европа давлати билан Америка ҳам иштирок этган.

Бирок Мағрибнинг аксарият мусулмон халқлари босқинчиларга тобе бўлишдан бош тортишди. Мағрибнинг турли бурчакларида озодлик учун қураш ҳаракатлари бошланди. Ҳаммага маълум бундай ҳаракатлардан бири Испания босиб олган Марокаш шимолидаги Риф вилоятида шайх Абдулкарим Хаттобий ва унинг ўғли Мухаммад Абдулкарим Хаттобий бошчилигидаги озодлик ҳаракати бўлди. Ота-ўғил Марокашнинг бир-бирига

адоват саклаб келган кабилаларини бирлаштириб, ягона Ислом байроги остида бир ёкадан бош чикарганча боскинчиларга карши кураш олиб бориш учун сафарбар этишга муваффақ бўлишди. Испанлар мужохид(Мужохид - дин учун кураш, жиход иштирокчиси.) шайх Абдулкарим Хаттобийни ўлдиришди (Аллох уни раҳмат қилсин), унинг ўғли амир Мухаммад Абдулкарим Хаттобийни эса асир олиб, Марокаш тоғларидан бирининг чўккисидаги камокхонага ташлашди. Мўъжизани қарангки, хикоямиз қахрамони чойшабдан аркон ўраб, камокхона деразасидан ташқарига чиқишга муваффақ бўлибди. Таассуфки, ушбу аркон қалталиқ қилиб, тоғ чўккисидан ергача тушиб олишга етмабди. Икки йўлдан бирини: ё арконга осилган жойидан камокхонага қайтиш, ё баланд жойдан учи учли тошлар устига сакрашни танлаш керак. Ботир Мухаммад Абдулкарим Хаттобий сакради...

Тошга зарб билан тушган қахрамонимизнинг оёғини синиб, ҳушини йўқотди. Камокхона маъмурияти унинг қочганини қахмлаб, дарҳол излаб топибди. Жазо муддатини ўтаб бўлган амир Мухаммад Абдулкарим Хаттобий камокхонадан чиққач Марокашнинг Риф кабилаларидан иборат, атиги уч минг кишилик армия йигиб, испан босқинига қарши кураш бошлади. Ушбу урушда амир ҳарбий фаннинг мутлақо янги соҳаси - партизанлар уруши тактикасини янги тарихда илк бор қўллади. Дафъатан ҳужум қилиш, шиддатла забт этиб, чекиниш санъатига асосланган бундай тактикани жамаки жаҳоннинг озодлик учун курашчилари қўллай бошлашди ва алалоқибат ушбу тактика жаҳон урушларининг асосига айланиб қолди. Шунингдек, амир Мухаммад душман қазармаларига чўзилган ер ости йўлларини қазиш усулини ҳам қўллади ва бу билан Ислом қахрамони Хаттобий Испаниянинг босқинчи қўшинларига ҳарбий фандан амалий сабоқ бериб қўйди. Испаниянинг Рифда қўраётган талафотлари нисбатда қўпайиб кетгач, Испания қироли Альфонсо XIII Мадриддан Рифга ўзининг кадрдон дўсти генерал Мануэль Сильвестр қўмондонлигидаги бутун бошли армияни йўллади. Иккита қўшин Анвал яқинидаги унутилмас жангда тўқнаш қелди. Мунтазам қўшинларнинг тиш-тирноғига қамонавий қурол-аслаҳа билан қуролланган ўн минглаб аскарларидан иборат испан армияси оддий милтик билан қуролланган уч минг нафар марокашлик мусулмон-мужохидга қарши чиқди. Афсонавий қахрамон Хаттобий қўмондонлигидаги мана шу уч минг мужохид испан босқинчиларининг армиясини тор-мор қелтирди. Мусулмонлар минг-минглаб испан аскарларини ер тишлатиб, тумонат жангчиларини асир олди. Бутун бошли армиядан фақат бир ховуч аскарини ажал ва тутқунликдан омон қолиб, қандай дахшатга рўбару қелишганини аччиқ қўз ёш тўққанча сўзлаб бериш учун ўз қиролининг бағрига - Испанияга етиб олишга базўр муваффақ бўла олди. Хаттобийнинг Рифдаги армиясидан тортган бундай қўргилиқни испанлар бугун ҳам «Анвал яқинидаги ғожа» деб аташади. Испан босқинчилари устидан қозонилган улкан ғалабадан сўнг амир Мухаммад Абдулкарим Хаттобий Ислом Риф Республикасига асос қолди. Магриб ҳудудининг ақсар қисми ўша даврда европалик босқинчи-давлатлар тасарруфида бўлган. Уша босқинчиларнинг раҳнамолари Исломнинг озодлик учун курашчиси томонидан қолиноётган ҳавфни жуда яхши англаб етишди. Чунки бу ҳавф нафақат уларнинг Магриб тупроғида, балки босиб олишган барча бошқа давлатларда ҳам ҳукм сўришига жиддий таҳдид қола бошлади. Зеро, Хаттобийнинг исми ўша даврнинг ўзидаёқ жаҳоннинг жамаки эрксевар халқлари учун озодлик рамзига айланишга улгурган. Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг озодлик курашчилари испан империясининг улкан қўшинини ўзининг қам қонли ихчам армияси билан тор-мор қелтирган марокашлик мусулмон сарқарда ҳақидаги ривоятларни бир-бирига қал бермай муҳофаза қилишди.

Шунда Франция ва Испания империялари афсонага айланган кахрамон Хаттобийни даф килиш мақсадида ўзаро ҳарбий иттифок тузишди. Амир Хаттобий ва уни қўллаб-қувватлаган бошқа марокашлик кахрамонлар ушбу иттифок қўшинларига каттик қаршилиқ кўрсатишди. Зобитлар оғир талафот кўргач Марокашнинг тинч аҳолисига қарата уюмлар воситасида кимёвий қуроқ қўллаб, захарли газ билан қирғин келтиришди, турли давлатлардан ёлланган жиноятчи тўдалар ҳамда ўз дини ва ор-номусини сотган халқ орасидан чиққан ҳоинларнинг хизматидан кенг фойдаланишди, бидъатга юз тутган айрим шайхлардан ёрдам сўраб, Хаттобий томонида туриб уришишни ҳаром қилган қатъияр(Қатъо - Ислоҳ уламоси томонидан у ёки бу масала юзасидан чиқарилган диний-ҳуқуқий ҳукм.) чиқарилишига эришишди.

Хаттобий эса ушбу ёвуз қучларга қарши мардонавор қурашишни давом этиб, қўнлардан бир қўн партизанлар қуруҳи билан бирга шахсан ўзи ҳам жангга чиқишга аҳд қилди. Бироқ амирнинг ҳаёти ва Ватан тақдири учун қайқўрган қомандирлар, уни ушбу қоядан воз кечишни илтимос қилганча, французлар билан музоқара олиб боришни так-лиф қилишди. Ўзоқ муҳоқамадан сўнг Хаттобий розилиқ берди. Бироқ французлар музоқара ўрнига Хаттобийни тутиб олиб, Хинд океанидаги биров билмас Реньон ороқчасига сўргун қилишди. Ушбу мажҳул ороқда ўтган йигирма йилдан зиёд асирликдан сўнг, Аллоҳ таоло Ўз бандасини тутқўнликдан ҳалос этиш учун сабаб яратди.

Хусусан, 1947 йили Мароқаш қироли Мухаммад Бешинчи (Аллоҳ уни раҳмат қилсин) давлат мустақиллигини эълон қилди. Бундан мамнун бўлмаган французлар қироқга таъйик ўтқазиш мақсадида Хаттобийдан фойдаланишга, уни қироқга рақиб сифатида кўрсатишга аҳд қилишди, қарчи Хаттобий ҳеч қачон ҳуқумат абзалини ўз қўлига олишга интилмаган бўлса-да. Франция президенти Шарль де Голь марокашлиқлар орасида низо чиқаришни ниёт қилиб, амир Хаттобийни Парижга келтиришни буюрди. Амирни Францияга олиб қетаётган қема Сувайш қаналига қирғач, Мухаммад Абдулқарим Хаттобий юқорида баён этилгандек, тутқўнликдан нажот топади. Хаттобий ҳаётининг қолган қисмини Мисрда ўтқазиб, ўз ҳарбий тажрибасига таянган ҳолда Шимолий Африқада қечаётган озодлик ҳаракатларини шу юртда туриб бошқаради. Амир Хаттобий Шимолий Африқа ўлкаларининг душман истилосидан бирма-бир озод бўлаётганини қузатиб қорганча 1963 йили бу фоний дунёни тарқ этади (Аллоҳ уни раҳмат қилсин). Ўз ҳаётини Аллоҳ йўлидаги қурашга бағишлаган ушбу Ислохий раҳбар иштирокида қечган буюқ воқеалар тарихи, агар бир нечта сатрда баён этиладиган бўлса, шулардан иборатдир. Таассуфки, умматнинг ақсарият қисми ҳикоямиз қахрамонининг исмини муқаддам эшитмагани қалбни қайқуга солиб, юрак эзилади. Ёшларимизнинг қўпчилиги қакат дунёвий манфаату уятсиз тамойиллар учун қурашган қахрамонларга маҳлиё бўлиб қолгани қишини ранжитади. Бироқ шубҳа йўқки, Че Геварадек қахрамонларнинг ҳаёт йўлидан завқланадиган қамондошларимиз ўша инқилобчи ўз қасоратларини аслида амир Хаттобийдан руҳланиб намён этганидан ҳабар топишса, ўз тарихига ўзгача нигоҳ-ла қарайдиган бўлиб қолади.

Шубҳасиз, айрим қитобқонлар ушбу асар бошида қелтирилган Абу Бақр Сиддик розияллоҳу анҳу ҳақидаги ҳикоядан кейин Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу тўғрисидаги ҳикояни баён этишимни қутишган. Бироқ сўзим бошида айтганимдек, маъқур адабий асар қахрамонлари орасидаги улугворлик даражаси инобатга олинмаган. Бунда мен муайян қишининг исми Абу Бақр Сиддик розияллоҳу анҳудек буюқ шахсдан кейин тилга олиниши, ўша шахс учун чексиз шараф эканини аниқ тушуниб турибман. Улугворлик даражасига қарамасдан, амир Мухаммад Абдулқарим Хаттобийнинг исмини асар бошида

Хакгўй Абу Бакр Сиддик розияллоху анхудан кейинок келтирганимнинг куйидаги иккита сабаби бор. Биринчидан, Исломнинг жахон микёсидаги ахамиятини намоён этиш. Маълумки, Хаттобий араб эмас, лекин у Ислом умматининг буюк кахрамонларидан бири саналади. Бу билан бизнинг динимиз араблар монополиясидаги дин эмаслигига яна бир бор ишора қилинади. Иккинчи сабаб шундан иборатки, Хаттобий ҳаммамиз учун ибрат бўлиши керак. У милодимизнинг йигирманчи асрида яшаб ўтган, бироқ унинг кахрамонона фаолияти умматнинг энг биринчи буюк шахслари намоён этган жасоратдан қолишмайди.

Умматимиз ўз кахрамонларини тарбиялаш ишини ҳеч қачон, ҳеч қаерда тўхтатмайди. Зеро, Табароний ва бошқалар келтирган саҳиҳ ҳадисларда ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўз саҳобаларига улардан кейин келадиган такводдорлар бажарган биргина амал саҳобалар томонидан бажарилган элликта амалга тенг қилишини маълум қилибди.

«Дарҳақиқат, сизлардан кейин узок чўзилиб, матонат талаб қилинадиган кунлар келади. Ўша вазиятда сиз тутган йўлдан борганларнинг ҳар бири, эллик нафарингиз кўрган ажрга тенг келадиган мукофотга муносиб топилажак».

Саҳобалар сўрашибди: «Ё Расулуллоҳ, уларнинг эллик нафари демокчи бўлдингиз, чоғи?»

«Йўк, сизларнинг эллик нафарингиз!» - дея жавоб бердилар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам. (Ибн Хиббон Самаркандий, 385; Мажмау-аз-Завоид, 7-285; Имом ат-Термизий, 3058.

Ал-Албоний саҳиҳ деган)

Эслатиб ўтиш жоизки, амир Мухаммад Абдулкарим Хаттобий Мисрда химоя топган биринчи кахрамон бўлмаган. Унга қадар салиб юришлари катнашчиларини енгиб чиққан Салоҳиддин Айюбий ва татарлар устидан ғалаба қозонган Кутуз ҳам Мисрдан бошпана топган. Аммо улардан анча олдин Миср заминида буюк бир аёл яшаб ўтган. Қандай кахрамонлик кўрсатган эдики, ушбу мисрлик аёл банибашар тарихида Ислом умматининг буюк аёллардан бирига айланди?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан